



141100, Нурабад шахри, Мустақиллик ко'часи 2-уй,
Тел:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2016 йил «13» август

№ 581-г

**Нурабад тумани “Шуробод” маҳалла фуқаролар
йиғини қабристонини кенгайтириш учун 1,5 гектар
ер майдони ажратиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 25-моддаси ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил
25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда
қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш,
шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан
соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан Нурабад
тумани “Шуробод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Рузиевнинг туман
ҳокимининг номига ёзган маҳалла ҳудудидаги “Лапокота” қабристонини
кенгайтириш учун қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисидаги хатини ҳамда
туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг хулосасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад тумани “Шуробод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
туман ҳокимлиги заҳира ер ҳисобидаги №623-контурдан 1,50 гектар яйлов ер
майдони маҳалла қабристонини кенгайтириш учун ажратиб берилсин ва
туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг хулосаси тасдиқлансин.
2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев) га ер
ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, ажратилган ер
майдонини жойида ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.
3. Нурабад тумани “Шуробод” маҳалла фуқаролар йиғини
қабристонининг тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш туман
“Ермулккадастр” давлат корхонаси (О.Бутаев) зиммасига юклатилсин.
4. Нурабад тумани ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси
(М.Райимшукуров)га қабристон ташкил этишни белгиланган тартибга кўра
амалга ошириш ҳамда солиқ тўловларининг расмийлаштирилишини
таъминлаш топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг
иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов